



# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

“ 27 ” ноябрь 20 20 у

Farg'ona shahri 314 sonli

## “Харид комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида”

Фарғона вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларига асосан ажратилган маблағлардан мақсадли, самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли ва 2020 йил 21 августдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4812-сонли қарорлари талабларига мувофиқ,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлигига харид қилинадиган асосий воситалар, товар-моддий бойликларни сотиб олиш бўйича тузилган вилоят ҳокимлигининг харид комиссияси таркиби иловага асосан тасдиқлансин.

### 2. Харид комиссиясига:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан сотиб олинадиган асосий воситалар, товар-моддий бойликларни нархларини ўрганиш, энг мақбулини танлаш, танлов ҳужжатларини тегишли тартибда расмийлаштириш;


вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига асосан вилоят ҳокимлигига асосий воситалар, товар-моддий бойликларни харид қилиш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров



Вилоят ҳокимининг  
27» ноябрдаги  
314-сонли қарорига  
илова

**Вилоят ҳокимлигига харид қилинадиган асосий воситалар, товар-  
моддий бойликларни танлаш ва сотиб олиш бўйича тузилган вилоят  
ҳокимлигининг харид комиссияси  
ТАРКИБИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими</b>
1.	М.Убайдуллаев	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари - <b>комиссия раиси</b>
2.	М.Шарипов	Вилоят ҳокимлиги котибият мудирининг ўринбосари - <b>комиссия раиси</b>
<b>Комиссия аъзолари:</b>		
3.	А.Пулатов	Вилоят ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси -комиссия аъзоси
4.	А.Рўзиев	Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари-комиссия аъзоси
5.	А.Мадалимов	Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати бошлиғи- комиссия аъзоси
6.	М.Акбаров	Вилоят ҳокимлиги бош ҳисобчиси в.б.- комиссия аъзоси
7.	Ғ.Хурсанов	Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси бош мутахассиси- <b>комиссия котиби</b>
8.	С.Маҳмудов	Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ахборот- коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази раҳбари-комиссия аъзоси
9.	Р.Дехқонбоев	Вилоят ҳокимлиги хўжалик мудирининг ўринбосари - комиссия аъзоси

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда уларнинг ўрнига тайинланган ходим комиссия аъзоси таркибига киритилади.

Комиссия аъзоларининг таркиби ва сони олинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариши мумкин.